

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 март куни Оқсаройда Франция Республикаси ташқи ишлар вазири Лоран Фабиусни қабул қилди.



Франция ташқи ишлар вазирининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон — Франция муносабатларини мустаҳкамлаш, халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга долзарб муаммолар бўйича изчил ривожланиб бораётган мулоқотнинг манتيқий давомидир.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик фаоллашган, ўзаро учрашувлар изчиллик касб этаётгани Францияда Ўзбекистон билан муносабатларга

алоҳида эътибор берилишининг яна бир тасдиғи эканини таъкидлади. Ислам Каримов Франция Президенти Франсуа Олландга яқинда йўллаган самимий ва эзгу тилаклар, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истаги билдирилган мактуби учун миннатдорлик изҳор этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Франция сармояси иштирокида тузилган йигирмадан зиёд қўшма корхона, шунингдек, ушбу мамлакатнинг қатор йирик компаниялари

ваколатхоналари фаолиятнинг яна бир тасдиғи эканини таъкидлади. Ислам Каримов Франция Президенти Франсуа Олландга яқинда йўллаган самимий ва эзгу тилаклар, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истаги билдирилган мактуби учун миннатдорлик изҳор этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Франция сармояси иштирокида тузилган йигирмадан зиёд қўшма корхона, шунингдек, ушбу мамлакатнинг қатор йирик компаниялари

вофиқ, мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаётган Франция тараққиёт агентлиги йўналиши бўйича ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир долзарб муаммолар, аввало, Афғонистонда кўп йиллардан буён давом этиб келаётган можаборо тинч йўл билан ҳал қилиш, Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига ёрдам бериш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Мулоқот чоғида, шунингдек, давлатлараро ва фуқаролик жамияти институтлари даражасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Лоран Фабиус самимий қабул ҳамда томонларни қизиқтирган кенг кўламли масалаларни конструктив руҳда муҳокама этиш имконияти яратилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

(ЎЗА).

Сарвар ҲАМИДОВ ошган суратлар.

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, унинг институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтириш истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган ҳамда аҳоли ҳаёт сифати ва фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислохотларнинг муҳим таркибий қисmidир.

МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНING ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг олтинчи бўлимида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ёш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ҳамда аҳоли турар жойларининг кифоасини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид масалаларни ҳал этиш борасидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари белгиланган.

Давлат дастури бажариш доирасида маҳаллалар ва қишлоқларни обод қилиш бўйича кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилади. Шу мақсадда «Замонавий маҳалла» меъморчилик-режалаштириш намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди, мавзе ва маҳаллалардаги йўллар ва кўчаларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек, уларнинг ташқи ёритиш тизимларини қайта тиклаш, реконструкция ва модернизация қилиш, капитал таъмирлаш дастури тасдиқланди. Намунавий лойиҳаларга мувофиқ, яқна тартибда ва кўп қаватли турар жойлар, биноларнинг олд қисмини ва томларини таъмирлаш, маҳаллалар худудидаги ирри-

гация ҳамда дренаж тизимларини янгилаш кўзда тутилган. Қўчалар ва йўлақлар замонавий услубда таъмирланади, уларнинг ёритиш тармоқлари энергия тежовчи технологияларни қўллаш ҳисобидан яхшиланади. Аввал қурилган болалар майдончаларини реконструкция қилиш ва янгилаш ишлари барпо этиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш режалаштирилган. Мини-футбол, баскетбол ва волейбол машғулотлари учун спорт майдончалари кўпайди.

2013 — 2015 йилларда кўкаламзорлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Маҳаллалар ичидаги кўчалар бўйларига ва махсус ташкил этиладиган «яшил» худудларга ҳар йили 15 миллион туپ манзарали ва 29,5 миллион туپ мевали дарахт, шунингдек, 10 миллион туپ буга ҳамда гул кўчатлари экилади. Буларнинг барчаси дам олиш, аҳолини эстетик тарбиялаш ва соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Турар жойларнинг санитари ҳолатини янада яхшилаш, узоқ туманлардаги маҳаллаларни тоза ичимлик суви билан таъминлашни кенгайтириш, қишлоқда экологик вазиятни янада яхшилаш ҳам белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

• Қарши шаҳрида «Тадбиркорлик — обод турмуш гарови» мавзусида кўргазма ўтказилди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда 46 нафар хунарманд ва 19 та кичик корхона ўз махсулотлари билан иштирок этди. Кўргазма якунида бир гуруҳ катнашчилар «Энг яхши ишлаб чиқариш корхонаси», «Энг яхши ёш корхона раҳбари», «Энг яхши кўргазма», «Энг яхши хунарманд» номинациялари бўйича тақдирланди.

• Наманган вилояти фермерлар кенгаши томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда вилоят кенгашининг олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Ўтган қисқа даврда кенгаш томонидан 500 дан зиёд фермер хўжаликларига учрашув-мулоқотлар ўтказилган, соҳани янада ривожлантириш мақсадида қишлоқ мулкдорларига амалий кўмак берилгани таъкидланди.

• «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» томонидан ижтимоий масъулиятли фуқароларнинг «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросидаги иштирокига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди. Давлат дастурида мазкур муассасанинг худудий Ахборот марказлари орқали кам таъминланган оилалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маслаҳат, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш бўйича лойиҳани амалга ошириш вазифаси белгиланган. Семинарда ташкилотнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти атрофида таҳлил этилиб, ана шу вазифалар ижроси бўйича тегишли режалар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Истиқболли лойиҳалар

импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлмоқда

Бухоро шаҳридаги «ЎзКореямедикал» қўшма корхонаси тибиёт воситалари ишлаб чиқаришга иxtисослаштирилган бўлиб, мана, бир неча йилдирки, барқарор фаолият кўрсатиб келяпти. 2012 йилда унинг буюртмачилари сони деярли икки баравар кўпайди. Бу янги бизнес лойиҳанинг амалга оширилиши натижасидир, албатта.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

— Илгари корхонамизда, асосан, бир марталик шприцлар ишлаб чиқарилади эди, — дейди қўшма корхона мутасаддиларидан бири Алишер Тагиров. — Бозордаги талаб ва эҳтиёжни ўрганганимиздан сўнг болалар учун гигиени воситалар тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик. Ушбу лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда халқаро молиявий муассасалар томо-

нидан ажратилган бир миллион 320 минг АҚШ доллари ишлаб чиқарилади кредит қўл келди. Кўриб турганингиздек, цехимиз замонавий технологик линия билан жиҳозланган. Яқин истиқболда эса махсулотларимизни экспорт қилиш ниятидамыз.

Бу ерда барча жараён компьютерлар воситасида бошқарилмоқда. «Ақлли ма-

шина»лар махсулот сифатини таҳлил қилса, корхона лабораториясида унинг яроқчилиги, пишик-пухталиги синчков ходимлар назаридан ўтади. Ишга бундай ёндашув қисқа муддат ичида буюртмачилар сонини юзтадан ошириш имконини берди. Ўтган йилда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида улардан 1,5 миллион дона махсулотга буюртма олинган эди. У муддатидан олдин бажарилиди.

Айни пайтда цехда маҳаллий ёшлар меҳнат қилапти. Шавкат Норов — шулардан бири.

— Шу корхонада ишлаш орзуим эди, — дейди у. — Нега-

ки, бу жамоада унумли меҳнат қилишимиз учун барча кулайликлар яратилган.

Корхона тадбиркорлари ҳозирги кунда махсулот турини кўпайтириш ҳаракатида. Чунончи, кузатишлар ички бозорда ногиронлар ва қарияларга мўлжалланган гигиеник воситаларга эҳтиёж борлигини кўрсатди. Бу каби янги лойиҳаларни амалиётга жорий этиш эса корхона иқтисодий тизми мустаҳкамлаш, иш ўринлари яратиш, энг муҳими, импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини беради.

Ислам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

2013 йилнинг 28 февраль куни Бош прокуратурада республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Устувор вазифалар белгилаб олинди

Унда диний экстремистик оқимларга мансуб ва мойил бўлган, диний экстремизм ҳамда терроризм билан боғлиқ жиноятлари учун жазони ўтаб чиққан шахслар билан профилактик тадбирлар ўтказилиши, бу борадаги прокурор назорати аҳоли, шунингдек, оила ва турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этилишининг олдини олиш борасида кўрилаётган чоралар, давлат бошқаруви идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари билан бу борада ўзаро ҳамкорлик

билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишда республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан 2011 — 2012 йилларда диний экстремистик оқимларга мансуб ва мойил бўлган, шунингдек, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлари учун жазони ўтаб чиққан шахслар билан профилактик тадбирлар ўтказилиши ҳамда бу борада прокурор назоратини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

Ижтимоий ҳимоя кучайтирилмоқда

Ўтган йили мамлакатимизда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун жами давлат харажатларининг қарийб

59,2

фоизи йўналтирилди.

Маблағларнинг салмоқли қисми таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга йўналтирилди, бу юртимизда изчил амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг амалий ифодаси сифатида халқимизнинг ҳаёт даражаси янада юксалишига хизмат қилди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги парламент эшитуви бўлиб ўтди.

Туризм индустрияси: Ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп

Мазкур масала юзасидан «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг раиси Ф. Ризаев ахборот берди.

Тадбирда миллий иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган ҳамда Ўзбекистон халқининг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб қилиш воситаси ҳисобланган сайёҳлик тармоғини ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари талабларини бажаришнинг бориши таҳлил этилиб, ҳолис баҳоланди. Унда сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакил-

лари, соҳа мутахассислари, экспертлар ҳамда тадбиркорлар мулоҳазаларини билдиришди. «Халқ сўзи» мухбири уларнинг фикрлари билан қизикди.

Г. ХОЛМУРАТОВА, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— ЎзЛиДеП фракцияси ҳақон иқтисодиётдаги глобал жараёнларни таҳлил қилиб, туризм иқтисодиётнинг тез ривожланаётгани, сердаромад тармоғи эканлигини қайд этди. Ўзбекистон мазкур соҳани самарали ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эгадир.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ
 очик танлов ва оммавий оферта савдоларига таклиф этади.
 2013 йил 4, 11, 18, 25 апрель ва 2 май кунлари ўтказиладиган
 очик танлов савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган
 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг куйидаги хўжалик жамиятлари
 устав фондидаги банк улушлари куйилмоқда:

Т/р	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг		Савдога кўйилган улушнинг устав фондидаги фоизи (%)	Савдога кўйилган улушнинг бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши		сўм	АҚШ доллари
1.	«REGISTON PLAZA» МЧЖ	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шохруҳ кўчаси, 53-уй.	Жамият уставиди халқаро андозаларга жавоб берадиган меҳмонхоналар қуриш, қайта қуриш ва улардан фойдаланиш, меҳмонхона ишлари бўйича хизматлар мажмуини кўрсатиш, маблағларни меҳмонхоналар, савдо ва сайёҳлик, қурилиш индустрияси каби турли лойиҳа ва дастурларга йўналтириш, вакиллик, агентлик, реклама, маркетинг (шу жумладан, қимматли қозғолар бозориди), маслаҳат хизматлари ташкил қилиш, қонун билан таққиланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши белгиланган	100%	32 048 589 000,0	17 384 642,80
2.	«XORAZM PALACE» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Беруний кўчаси, 2-уй	Жамият уставиди халқаро андозаларга жавоб берадиган меҳмонхоналар қуриш, қайта қуриш ва улардан фойдаланиш, меҳмонхона ишлари бўйича хизматлар мажмуини кўрсатиш, маблағларни меҳмонхоналар, савдо ва сайёҳлик, қурилиш индустрияси каби турли лойиҳа ва дастурларга йўналтириш, вакиллик, агентлик, реклама, маркетинг (шу жумладан, қимматли қозғолар бозориди), маслаҳат хизматлари ташкил қилиш, қонун билан таққиланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши белгиланган	100%	22 984 062 000,0	12 467 622,46

Куйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги банк улушлари бўйича савдолар давом эттирилган ҳолда, ушбу улушлар 2013 йилнинг 7, 14, 28 март ва 4, 11 апрель кунлари ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига куйилмоқда:

Т/р	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг		Савдога кўйилган улушнинг устав фондидаги фоизи (%)	Савдога кўйилган улушнинг бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши		сўм	АҚШ доллари
1.	«KESHMARBLE» МЧЖ	Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳри, Нажим Нугаев кўчаси, 11-уй	Жамият уставиди айрим турдаги мрамар махсулотларини ишлаб чиқариш, қазилма бойликларидан белгиланган тартибда фойдаланиш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириши белгиланган	100%	2 016 633 000,0	1 093 915,38
2.	«GAZALKENT STONE» МЧЖ	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Заводская кўчаси, 1-уй	Жамият уставиди саноат ва халқ истеъмоли, қурилиш хом ашёларини ва қурилиш-пардозлаш буюмлари (мрамар ҳамда гранит плиталар, декоратив мрамар мебелли) ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириши белгиланган	100%	5 380 000 000,0	2 918 361,81

Очик танлов ва оммавий оферта шартлари
 Танлов савдосига куйилган объект меҳмонхона фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.
 Очик танлов ва оммавий оферта голиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бунча пули сифатида, қолган қисминини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.
 Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.
 Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмилийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.
 Хужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Савдога қатнашиш учун талабгорлар куйидаги хужжатларни тақдим этишлари лозим:
 • юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусخаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаш-тирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган хужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
 • икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва куйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари: сотиб олиш тўловларини таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.
 Тақдим этилган хужжатларнинг барча арақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.
 Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.
 Савдода иштирок этиш учун талабгорлар томонидан танлов савдоларига куйилган улушлар бошланғич нархларининг 2 фоизи миқдориди, оммавий оферта савдоларига куйилган улушлар бошланғич нархларининг 10 фоизи миқдориди зақалат пуллари «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотек-банк» Шайхонтохур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўланиши лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.
 Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.
Савдога тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:
 Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).
 Мурожаат учун алоқа восталари:
 сотувчи (банк) тел.факслари: (8-371) 234-11-22, 234-15-60, тел./факс: (8-371) 234-43-31.
 савдо ташкилотчиси телефони: (8-371) 233-02-49, тел./факс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru Гувоҳнома № 005357.

«ШҮРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ» УШҚГА **SNP Shurtan**
 қарашли **Navoi Plast-PE**

«POLIETILEN QUVURLAR»
 ШҲҲБА КОРХОНАСИ

ҳозирги кунда Австрия, Германия, Хитой давлатларининг «Battenfeld-Cincinnati», «ZHANGJIANG BAIXIONG KLIMENS MASHINERY CO.LTD» каби етакчи компанияларидан келтирилган усқуналарда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли, диаметри 20, 25, 32, 40, 50, 63, 75, 90, 110, 125, 140, 160, 180, 200, 225, 250 мм. бўлган тўрт хил — «SDR 41», «SDR 26», «SDR 17.6», «SDR 11» турдаги полиетилен қувурларни истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

Шунингдек, корхона Италия давлатининг «Ritmo» фирмасидан келтирилган усқуналарда барча турдаги полиетилен қувурларга бутловчи қисмлар (фитинглар) ишлаб чиқармоқда.

Махсулотлар ISO 9001-2008 халқаро стандартларига мувофиқ, сифат менежменти тизими асосида тайёрланади.

Махсулот сифати мувофиқлик, гигиена, экологик сертификатлари билан тасдиқланган.

«POLIETILEN QUVURLAR» ШҚ мижозларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка таклиф этади.

210609, O'zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Karmana tumani, Malikrabot qo'rg'oni.
 «Navoiy» erkin industrial-iqtisodiy zonasi.
 Tel.: (8-436) 220-00-35, 220-00-34. Faks: 220-00-36. E-mail: pe_plast@mail.ru web-sayt: pe_plast.uz

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ
 Фарғона вилояти филиали
 очик аукцион савдосига таклиф этади.

2013 йил 9 апрель куни соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига куйидаги автотранспорт воситалари куйилмоқда:
 • Ёзёвон тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2011 йил 19 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ёзёвон тумани ИИБ ЙХБ жарима майдонида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Матиз» русумли, давлат рақами 40 645 ААА, ранги қора.
Бошланғич баҳоси — 18 205 966 сўм.
 • 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Дамас» русумли, давлат рақами 40 642 ААА, жигарранг.
Бошланғич баҳоси — 27 238 369 сўм.
 • Бувайда тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 2011 йил 14 октябрдаги 2696-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Бувайда гурури» ф/ҳда сақланаётган:
 • 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «Форд Эскорт» русумли, давлат рақами 15 S 58 32, хаворанг, носоз.
Бошланғич баҳоси — 7 356 600 сўм.
 • 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Магнум» русумли, давлат рақами 57-52 EM, техник носоз.
Бошланғич баҳоси — 111 600 000 сўм.
 Сўх тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 16 мартдаги 15-12-05/10032-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хушёр» ш/х омборхонасида сақланаётган:
 • 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-55102» русумли (самосвал), давлат рақами 15 AN 397, ранги оқ.
Бошланғич баҳоси — 29 542 615 сўм.
 • 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-5320» русумли (бортли), давлат рақами 15 AN 414, ранги оқ.
Бошланғич баҳоси — 22 695 770 сўм.
 • 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21061» русумли, давлат рақами 15 AD 552, ранги оқ.
Бошланғич баҳоси — 6 370 710 сўм.
 • 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-53 А» русумли (бензовоз), давлат рақами 15 AN 398, ранги кўк.
Бошланғич баҳоси — 10 428 251 сўм.

1990 йилда ишлаб чиқарилган, «МТЗ-80» русумли, давлат рақами 10-16 ЕЭ, ранги кўк.
Бошланғич баҳоси — 9 302 618 сўм.
 • 1983 йилда ишлаб чиқарилган, «МТЗ-80» русумли, давлат рақами 10-13 ЕЭ, ранги кўк.
Бошланғич баҳоси — 9 868 330 сўм.
 • 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «ТТЗ-8010» русумли, давлат рақами 13-53 ЕГ, ранги кўк.
Бошланғич баҳоси — 33 431 198 сўм.

Автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш бўйича такрорий савдо 2013 йил 24 апрель куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача куйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Мухаммадиев кўчаси, 64-«А» уйда бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Зақалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг ўн фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг ОАТ «Савдогар» банки Фарғона вилояти бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига тўлашлари ва куйида кўрсатилган хужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган хужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган хужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, зақалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов хужжати. Тўлов хужжатида ижро хужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Иштирий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Кўшимча маълумот учун манзил: Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Мухаммадиев кўчаси, 64-«А» уй, 16-хона.
 Телефон: (+99895) 404-44-78. Гувоҳнома № 004059.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ
 2013 йил 4 апрель куни бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибдаги очик аукцион савдоларини ўтказилади!
 Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уйда жойлашган, тугатилаётган «СИФАТ ТЕКС» МЧЖ балансидаги куйидаги мол-мулклар куйилди:

Т/р	Мол-мулк номи	Ишга туганган вақти	Бошланғич баҳоси
1.	Тикув машинаси оверлог ўрнаткич столи	1.07.2011 й.	1 644 500
2.	Тикув машинаси оверлог ўрнаткич столи	1.07.2011 й.	1 644 500
3.	Тикув машинаси 22А тўғри чокли ўрнаткич столи	1.07.2011 й.	1 308 600
4.	Тикув машинаси 22А тўғри чокли ўрнаткич столи	1.07.2011 й.	1 308 600
5.	Тикув машинаси «Распошивалка» ўрнаткич столи	1.07.2011 й.	2 719 500
6.	Тикув машинаси «Распошивалка» ўрнаткич столи	1.07.2011 й.	2 719 500
7.	Тикув машинаси 22А тўғри чокли (2 дона)	1994 й.	1 784 000
8.	Оргтехника («DELUX» компьютери, «Samsung» монитори, «Canon LBP 2900» принтери) битта жамланма	2007 й.	1 175 800
9.	«Genius 1200» сканери	2005 й.	130 000
10.	Металл сейф (катта) ва (кичик)	1.01.2011 й.	373 300
11.	Мебель: офис учун шкаф, стол тумбали ва приставкали ҳамда стол 1,2х1,8, оқ рангли (2 дона)	1.07.2001 й.	735 000

Очик аукцион шартлари
 Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.
 Аукцион савдосида қатнашиш учун бошланғич нархнинг камиди 20 фоизи миқдориди зақалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотек-банк» Шайхонтохур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўланиши шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.
 Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган зақалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилганга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.
 Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
 Мазкур усқуналар юқорида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига чиқарилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси соат 15.00 да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:
 Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).
 Мурожаат учун тел./факс: (8-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

«ЎЗБЕКИНВЕСТ»
 ЭКСПОРТ-ИМПОРТ
 МИЛЛИЙ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

«МИНГИНЧИ МИЖОЗ»
 акцияси ўтказилишини маълум қилади.

Акция компаниянинг Суғурта маркази ҳамда худудий филиалларида **2013 йилнинг 1 февралидан то 1 апрелгача** бўлган давр ичида суғурта полисини сотиб олган жисмоний шахслардан иборат мижозлар ўртасида ўтказилади.

Юзинчи, беш юзинчи, мингинчи мижозлар акция голибига айландилар ва уларга қимматбаҳо мукофотлар соврин сифатида топширилади.

Акция голибларига мукофотларни тақдим этиш маросими **2013 йилнинг апрель** ойда бўлиб ўтади.

«Мингинчи мижоз» акциясига қўшимча!
«Ўзбекинвест» — суғуртага ишонинг!

Батафсил маълумоти (8-371) 120-03-53, 120-03-54 телефонлари ёки www.uzbekinvest.uz сайти орқали олиш мумкин.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
 ЭЪЛОНЛАР
 КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
 9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
 E-mail: reklama@xs.uz

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

савдолар залида 2013 йил 5 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 3 декабрдаги 104-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилиги Самарқанд шаҳри бўлими томонидан хатланган куйидаги мулк куйилмоқда:

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 95-уйда жойлашган «Аёллар гузаллик салони» биноси, қурилиш ости майдони 179,29 кв.м.дан иборат.

Бошланғич баҳоси — 210 152 000 сўм.

Ушбу мулк билан тегишли савдо ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориди зақалат пулини тўлов хужжатида ижро хужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд шаҳар «Амир Темур» бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

Манзилмиз: Самарқанд шаҳри, Абу Райхон Беруний кўчаси, 196-уй.
 Телефонлар: (8-366) 229-03-12, 229-65-88.
 Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршисида.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази жамоаси марказ директори ўринбосари Аҳмад Исмоиловга уқаси
Самат ИБРАГИМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси Халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш гуруҳи бошлиғи Фатҳулла Иргашевга турмуш ўртоғи
Мухаббат ШАРАФУТДИНОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

ФЕСТИВАЛЬ

Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида "Нафосат олами" деб номланган спорт фестивали бўлиб ўтди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Sen Yolg'iz Emassan" Республика болалар жамоатчилиги жамғармаси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу нафосат ва маҳорат байрамида 400 нафардан зиёд иштирокчи спортнинг бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, спорт рақси, сузиш ва синхрон сузиш каби турлари бўйича беллашдилар.

Ўзаро дўстлик, ҳамжihatлик каби эзгу фазилатларнинг шаклланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қизиқarli ва мурасиз курашлар остида ўтган беллашувлар якунида бадий гимнастика бўйича Мадина Эрназарова, Диёра Ҳақимова, София Қосимова, Ангелина Фокина, Илона Тен, спорт гимнастикаси бўйича Фаёз Нажмидинов, Азиз Усмонохов, Владимир Ляпин, Робия Маҳмудова, Дилдора

Нафосат ва маҳорат байрами



Айно АБДУЛЛАЕВ (ЎА) орадан сўзди.

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, миллатимизнинг эртанги кун, порлок истиқболи бугун улағаяётган фарзандларимиз тақдири билан узвий боғлиқ. Ҳар томонлама етук, соғлом авлодни voyга етказишда эса спортнинг аҳамияти бекиёс. Шу боис мамлакатимизда уни оммалаштиришда алоҳида эътибор қаратишмоқда. Қувонарлиси, кейинги йилларда юртимиз-

Орипова, Наима Нигманова, сузиш баҳсларида Шерзод Эркинов, Миржалол Жаҳонгиров, Дилрабо Султонова, Дилдора Акмалова биринчи ўринни эгаллади. Гимнастрада йўналишида эса Сергели, Шайхонтоҳур ва Олмазор туманлари ёшлари кучли учликдан жой олдилар. — Мамлакатимизда биз, ёшларнинг пухта билим олиб, саломатлигимизни мустаҳкамлаш йўлида кенг имкониятлар яратилган, — дейди фестивалъи болиби Диёра Ҳақимова. — Кўрсатилаятган бундай юксак эътиборга жавобан келажакда маҳоратли спортчи бўлишни ниёт қилганман. Мақсадим — халқаро майдонларда юртимиз байрогини банд кўтариш. Мусобақанинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, хорижий фирма ва компаниялар вакиллари ўртасида аънавий шахмат турнири ўтказилди.



Дипломатлар ўртасида шахмат беллашуви

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимиз шахмат федерацияси томонидан тўқтинчи бор ташкил этилган мазкур мусобақада Германия, АҚШ, Россия, Латвия, Индонезия, Грузия, Афғонистон, Бангладеш, Эрон, Покистон каби давлатларнинг элчихоналари, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минта-

қавий аксилтеррор тузилмаси ва "Лукойл" компанияси вакиллари ўзаро баҳс олиб бордилар. Икки кун давом этган турнир якунида Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили биринчи ўринни қўлга киритди. Туркия дипломати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ходими

Ҳаяжонли учрашувлар, ажойиб галабалар

Олдин хабар берганимиздек, 2 март кун Олий лига клублари ўртасида XXII миллий чемпионат баҳсларига старт берилди.

ФУТБОЛ

Мусобақанинг биринчи турини ўз майдонида ўтказган жамоалардан бештаси зафар кучди. Хусусан, "Нефтчи" клуби "Динамо" устидан 1:0 ҳисобида галабага эришди. Бунга мавсумнинг биринчи голини киритган мезбонлар ҳужумчиси Анвар Бердиев катта ҳисса қўшди. Бекбоғдан бўлиб ўтган "Металлург" — "Шўртан" уйини тақдирини Александр Ковалёв меҳмонлар дарвозасига йўллаган ягона зарба ҳал қилди. "Пахтакор" эса ўз стадионида "Навбахор"дан 2:0 ҳисобида устун келди. "Бунёдкор" ва дебютант "Сўғдиёна" ўртасидаги уйин голлар шуосига айлиниб кетди. Беллашулда рақиб дарвозасига бешта тўп киритган пойтахт жамоаси ийрик ҳисобдаги галабани нишонлади. Уйинда "калдаргочлар" ҳужумчиси Александр Пишур хет-трик қайд этгани эътиборлидир.

да, Илхом Шомуродов ва Ботир Қораевнинг голлари эвазига мураси кўчасини танаққис. Диккатга сазовор жиҳати шундаки, XXII миллий чемпионатнинг дастлабки тури голларга бой бўлди. Сабаби етти уйинда дарвозаларга 21 гол киритилди. Бу ҳар бир уйинда ўртача 3 тадан гол деганидир. Таққослаш учун айтиб ўтиш керак: ўтган мавсумнинг биринчи турида дарвозалар, бор-йўғи, тўққиз бор аниқ нишонга олинган эди. Демак, янги мавсум футбол муҳлисларига бири-бириндан қизиқarli ва мурасиз курашларни тақдим этиши, шубҳасиз. Биринчиликнинг иккинчи тури 8 март, жума кун бошланади. Шу кун "Бунёдкор" — "Насаф", "Шўртан" — "Пахтакор" жамоалари ўртасидаги уйинлар бўлиб ўтади. Эртаси кун (9 март) эса "Динамо" — "Гулистон", "Олмалик" — "Қизилқум", "Бухоро" — "Сўғдиёна", "Навбахор" — "Локомотив", "Нефтчи" — "Металлург" жуфтликлари ўртасидаги баҳслар турга яқун ясади.

Эзгу қадриятлар айёми

Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятида нафақат изчил ислохотлари билан, балки маънавий қадриятларни тиклашга қаратаётган эътибори туфайли ҳам обрў-эътибор қозониб бормоқда. Наврўзи олам ана шундай қадриятларимиздан биридир.

НАВРЎЗ НАФАСИ

Бу байрамни биз ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янгилашни палласи, шарқона янги йилнинг дебочаси сифатида ардоқлаймиз.

Айни пайтда Сурхон воҳасида бадий жамоалар, ёзувчи-шоирлар, олим ва мутахассислардан иборат гуруҳ олис туман, қишлоғу овуллар ҳамда маҳаллаларда бўлиб, Наврўз сайилларини мазмуни ўтказиш ҳусусида тарғибот ишларини бошлаб юборди. Биз баҳорга, Наврўзга интилиб яшаймиз. Чунки ҳаммамиз интиқ кутадиган кўкломой поклашим, яшариш, тириклик ва кўркамлик фасли саналади. Шу маънода, Сурхондарё вилоятида ҳар йили Наврўзи олам олдида хонадонлар, маҳалла-қўй, қишлоқларни ободонлаштириш ва кўркамзорлаштириш яхши аънамага айланган.

Бу хайрли ишлар Обод турмуш йилида ҳам гузарлар ва зиёрат-



гоҳларни тозалаш, турли гулу дарахт кўчатлари экиш билан давом эттирилмоқда. Эътиборлиси, янгилашни байрами арафасида воҳамизнинг барча туман ва шаҳарларида "Энг обод маҳалла", "Энг обод кўча", "Энг обод хонадон", "Ободонлаштириш ишлари тўғри ташкил этилган муассаса" йўналишидаги кўрик-танловлар ўтказишга пухта тараддуд кўрилмоқда.

Баҳор ва ёшлик эгизак тушунчалардир. Шундан келиб чиқиб, вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли мактаблар, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасаруфидоги коллежлар ўқувчилари ҳамда Термиз давлат университети талаба-

лари "Наврўз байрами ва аънавлар", "Ўзбекистон — Ватаним маним" каби мавзуларда иншолар кўрик-танловини ўтказишга ҳозирлик кўришмоқда.

Меҳр-муруват, оқибат, бағрикенглик сингари инсоний фазилатлар тимсоли — Наврўзи олам олдида воҳамиздаги ўкув муассасалари жамоалари "Ғамхўрлик гуруҳлари" ни ташкил этишган. Бундан кўзда тутилган мақсад, 100 ёшдан ошган фахрийлар, муруватга муҳтож кексалар ва ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олиб, уларга моддий ва маънавий кўмак беришдир. Байрам арафасида Термиз шаҳри ва туманларида истикомат қилаётган 200 нафар кекса авлод вақилларининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёхат қилишларини ташкил этиш ишларига ҳам киришилди. Ниятимиз, Наврўзи олам шодиёналари йил давомида ҳар бир ватандошимиз қалбини кўклам қуёши янглиғ нурафшон этверсин.

Орзукул СОАТОВ, Республика «Нуроний» жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими раиси.

САНЪАТ

Чин инсоний хислатларнинг шаклланишида, ёш авлод қалбида эзгу фазилатларни камол топтиришда, айниқса, фарзанд тарбиясида санъат ва мусиқанинг ўзига хос ўрни бор.

Дилларда Ватан мадҳи

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида ҳам бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлоднинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатиши эътироф этилган. Шу боис мамлакатимизда санъатнинг барча йўналишлари катори миллий кўшиқчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Истеъдод эгаларини кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, турли кўрик-танловлар ташкил қилинмоқда.

"Истиқлол" санъат саройида "Марди майдон!" жонли ижродоги кўшиқлар фестивали совриндорлари ва таниқли санъаткорлар иштирокида "Дилларда Ватан мадҳи" деб номланган концерт ана шундай эзгу мақсадини қўзлаган тадбирлардан биридир. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбир юртимизда янги овоз соҳибларини топиш, замонавий эстрадалари ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбек эстрадаси кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги босқинга кўтарилди. Бундай натижаларга эришишда миллий ва умумбашарий мусиқа санъати ютуқларини, жаҳон эстрадасининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича катта имкониятлар очилгани, соҳа ривожига кўрсатилаятган доимий эътибор, ёш истеъдодларнинг ўзини намоён этиши учун яратилган қулай шарт-шароитлар муҳим роль ўйнамоқда. 2011 йилдан бери ўтказиб келинаётган "Марди майдон!" жонли ижродоги кўшиқлар фестивали тингловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу гал ҳам мазкур фестивалъи иштирокчилари ва таниқли хонандалар томонидан ижро этилган ҳар бир кўшиқ муҳлисларнинг гулдўрс қарсақлари билан қизғин олқишланди. Зеро, концертда Ватан, истиқлол, тинчлик-осойишталик, баҳор, меҳр-муҳаббат мавзусидаги кўшиқлар бетақор ҳозираси билан барчани ҳушнуд этди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

АНЪАНА

Шу кунларда пойтахтимиздаги "Ўзбек — япон маркази"да Кунчиқар юрт вакилларининг аънавий чой маросими бўлиб ўтмоқда.

Чой маросими

Япон халқининг ўзига хос қадриятларидан бири бўлмиш ушбу байрамона тадбир ҳар йили фасллар келинчаги — баҳорнинг учинчи кунидан бошланади. Сабаби, айнан шу кун Японияда миллий шодиёна — Хинамацури байрами кенг нишонланади.

КЎРГАЗМА

Пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўرғазмасида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб "Меҳр билан тайёрланган" деб номланган кўрғазма очилди.

Баҳор ва аёл тараннуми

Унда юртимизнинг турли ҳудудларида яшайтган маҳоратли хунармандлар ўз асарларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этишмоқда. Кўрғазмада миллий ва умумбашарий мусиқа санъати таниқли вақиллари, тош ва маржонлар қадалган кўғирчоқ ва ўйинчоқлар, сумкалар ҳамда суратлар ўрин олган. Шунингдек, бу йил ҳам тадбир доирасида ўткир лейкоз касаллиги билан оғриган болажонлар учун хайрия дастурхони ташкил этилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Сара уруз — юқори ҳосил гарови Испаниянинг «FITO SEMILLAS» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан маккажўхори ва чорва озуқа экинлари уруғларини тақлиф қилади. Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган. Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99890) 935-88-86. Факс: (+99870) 257-58-61.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади. Аукцион савдосига Гулистон тумани СИБ томонидан, ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 22 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон тумани, «Амир Темур» СИУ, «Зарбдор» ҚФЙ ҳудудидоги умумий ер майдони 570,0 кв.м. бўлган уй-жой иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда тақдоран кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 292 888 872 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 26 март кун соат 11.00 да Гулистон шаҳри «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2013 йил 22 март кун соат 18.00. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519. Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz Лицензия: RR-0001.

Тsh 64-20438253-01: 2011 ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ: ООО «TAYFUN PLASTIK» ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ «MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ: КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах для производства полипропиленовых мешков, может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа. Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89. КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz Лицензия: RR-0001.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 413 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.30 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орнов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусоҳҳа — Ш. Машраббоев.